

Аллоҳнинг севгиси ва розилиги аломатлари



09:16 / 17.04.2017 10916

Аллоҳнинг муҳаббати ва розилиги - унга интилувчиларнинг улкан орзусидир. Бунга барча мусулмонлар ҳаракат қилиши лозим. Аллоҳ таоло бандасидан бу дунёда рози бўлганига ва уни яхши кўришига далолат қиладиган энг муҳим аломат - сир, яъни муҳаббатнинг қалбда яширин бўлиши, банда уни сир сақлаши лозимлиги машойихлар томонидан таъкидланган. Лекин, айрим ташқи аломатлар қуйидагилар:

1. ИНСОНЛАР МУҲАББАТИ.

Аллоҳ муҳаббат қилган бандасини одамлар ҳам, ҳатто фаришталар ҳам яхши кўриб қолади. Бу бандага Аллоҳ муҳаббат қилганининг зоҳирий белгиларидандир.

Аллоҳ айтади: **“Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Роҳман муҳаббат пайдо қилур”** (Марям сураси, 96-оят). Ушбу оят “Аллоҳ уларни фаришта ва мўминлар севадиган қилиб қўюр” деб ҳам тафсир қилинган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ бир бандага муҳаббат қилса, Жиброилни чақириб: **«Мен фалончига муҳаббат қилдим. Сен ҳам унга муҳаббат қил»**, дейди. Бас, Жиброил унга муҳаббат қилади ва осмонда нидо қилиб: **«Аллоҳ фалончига муҳаббат қиладир. Сиз унга муҳаббат қилинг!»** дейди. Шунда аҳли осмон унга муҳаббат қилади. Сўнгра унинг (муҳаббати) ер аҳлига туширилади. Аллоҳ бир бандани ёмон кўрса, Жиброилни чақириб: **«Мен фалончини ёмон кўрдим. Сен ҳам уни ёмон кўр»**, дейди. Бас, Жиброил уни ёмон кўради ва осмонда нидо қилиб: **«Аллоҳ фалончини ёмон кўрадир. Сиз уни ёмон кўринг!»** дейди. Шунда аҳли осмон уни ёмон кўради. Сўнгра уни ёмон кўриш ерга туширилади». *Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир киши: **“Мени бир амалга далолат қилингки, уни қилганимда Аллоҳ менга муҳаббат қилсин, одамлар ҳам менга муҳаббат қилсин”** деди. Унга айтдилар: **“Дунёга зоҳидлик қил (яъни, муҳаббат қўйма), Аллоҳ сенга муҳаббат қилади. Одамлар қўлидаги нарсаларга зоҳидлик қил (яъни, тамъа қилма), одамлар сенга муҳаббат қилади”**.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади; Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлмоқлари, бир кишига - фақат Аллоҳ учунгина муҳаббат қилмоғи ва куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши»**. Бешовларидан Абу Довуд ривоят қилмаган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким Аллоҳ учун муҳаббат қилса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, батаҳқиқ, иймонни баркамол қилибди»**. Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Амалларнинг энг афзали Аллоҳ учун**

муҳаббат қилмоқ ва Аллоҳ учун ёмон кўрмоқдир». Абу Довуд ривоят қилган.

2. ҚУРЪОН МУҲАББАТИ.

Аллоҳнинг каломига муҳаббат, тиловатида бардавом бўлиш Аллоҳ муҳаббат қилганининг зоҳирий белгиларидандир. Қуръон мусулмонни ҳаққа эргаштириб, ёмон амаллардан узоқлаштириб тўғри йўлга, Аллоҳнинг муҳаббатига йўллаб қўяди. Аллоҳ таоло Қуръонни эшитиб, унга амал қилган бандасини яхши кўради.

“Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир” (Анфол сураси, 2-оят).

3. ПАЙҒАМБАР МУҲАББАТИ.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга муҳаббат ва итоат қилиш, суннатларига муҳаббат ва амал қилиш.

Аллоҳ таоло айтади: **“Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир”, деб айт”.**(Оли Имрон 31-оят)

4. СИНОВГА РОЗИЛИК МУҲАББАТИ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Албатта, мукофотнинг катталиги балонинг катталигига қараб бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло қачон бир қавмга муҳаббат қилса, бало ила синаб кўради. Ким рози бўлса, унга ризолик ризолик бўлади. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бўлади».** Термизий ривоят қилган.

5. ГЎЗАЛ ХОТИМА.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Агар Аллоҳ бандасига яхшиликни хоҳласа, ўлиmidан олдин уни бир солиҳ амалга муваффақ қилади”.**

Гўзал хотима – Аллоҳ бандадан рози бўлганлигини тасдиқлайдиган энг катта белгидир.

Аллоҳ ҳаммамизни муҳаббатига муваффақ қилсин.

Ҳумайро тайёрлади.